

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

“БИЗНЕС БОШҚАРУВИ ВА ЛОГИСТИКА”
КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 65 9 (2)301

Жўраева Фарангиз Анвар қизи

ИҚТИСОДИЁТ, ТАРМОҚЛАР ВА ҚОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА БОШҚАРИШ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА
УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

“Бизнесни бошқариш (Master of Business Administration-MBA)”

мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Гофуров У.В.

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Фундаментал иктисодиёт” кафедрасида
дастлабки химоядан ўтган.

_____сонли баённома “ _____ ” _____ 2023 й.


Кафедра мудири:
И.ф.д., проф. Гофуров У.В.



ИМЗО

_____ сана

Илмий раҳбар:
И.ф.д., проф. Гофуров У.В.



ИМЗО

_____ сана

Тингловчи:
Жўраева Ф. А.

_____ ИМЗО

_____ сана

Диссертация Магистратура бўлимида 2023 йил
“ _____ ” _____

№ _____ раками билан рўйхатга олинган.

Бўлим бошлиғи _____ Ф.И.Ш.

АННОТАЦИЯ

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иқтисодиёт, тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган назарияларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Магистрлик диссертациясининг мақсади иқтисодиёт, тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга услубий ёндашувларни таҳлил қилиш, унинг назарий асосларини ўрганиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал этилади: иқтисодиёт реал секторининг SWOT таҳлилини амалга ошириш; реал сектор тараққиётига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар аниқлаш; реал сектор тараққиётининг ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш; миллий иқтисодиёт тармоқ тузилиши ва динамикасини таҳлил қилиш; Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли тармоқларида корхоналарни ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш; миллий иқтисодиётда тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги муаммолар ва уларни баратараф қилиш йўлларини аниқлаш; миллий иқтисодиётда тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш ва бошқаришнинг устувор йўналишлари ва саноат тармоғини ривожлантиришнинг истиқболлари юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Калит сўзлар: *иқтисодиёт, иқтисодиёт тармоқлари, реал сектор тармоғи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қўллаб-қувватлаш, саноат тармоғи, корхоналарни ташкил этиш, корхоналарни бошқариш, ЯИМ, корреляция коэффициенти, Фишер мезони, эконометрик модел, прогноз*

Summary

In the socio-economic development of any country, the study of theories aimed at solving problems in the field of organization and management of economy, industries and enterprises is of great importance. The purpose of the master's thesis is to analyze methodological approaches to solving problems in the field of economy, industries and enterprise organization and management, to study its theoretical foundations and to develop scientific conclusions and recommendations regarding their implementation.

In order to achieve the goal set for the research, the following tasks were defined and solved: SWOT analysis of the real sector of the economy; determination of socio-economic factors affecting the development of the real sector; study of the experience of developed countries in real sector development; analysis of the network structure and dynamics of the national economy; Analysis of the current state of organization and management of enterprises in various sectors of the economy in Uzbekistan; identification of problems in the field of organization and management of industries and enterprises in the national economy and ways of their elimination; development of scientific proposals and recommendations regarding the priority directions of the organization and management of industries and enterprises in the national economy and the prospects for the development of the industrial network.

Key words: *economy, economic sectors, real sector network, small business and private entrepreneurship, support, industrial network, enterprise organization, enterprise management, GDP, correlation coefficient, Fisher criterion; econometric model, forecast*

МУНДАРИЖА

Аннотация	3
Мундарижа	5
Келтирилган жадваллар рўйхати	7
Келтирилган расмлар рўйхати	9
Келтирилган кискартмалар	10
I БОБ. КИРИШ	11
1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	14
1.2. Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	16
1.3. Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	17
1.4. Тадқиқот объекти ва предмети.....	19
1.5. Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти...	20
1.6. Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	20
II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	22
2.1. Кириш.....	22
2.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи.....	22
2.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи.....	37
2.4. Хулоса.....	38
III БОБ. МЕТОДОЛОГИЯ.....	39
3.1. Тадқиқот дизайни.....	39
3.2. Маълумотларни тўплаш жараёни.....	39
3.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар	40
3.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	40
3.5. Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими	41
3.6. Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар	41
IV БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР	42
4.1. Миллий иқтисодиёт тармоқ тузилиши ва динамикаси.....	42
4.2. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли тармоқларида корхоналарни ташқил этиш ва бошқаришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	55

4.3.	Миллий иктисодиётда тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги муаммолар ва уларни баратараф қилиш йўллари.....	64
4.4.	Миллий иктисодиётда тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш ва бошқаришнинг устувор йўналишлари.....	68
4.5.	Миллий иктисодиётда саноат тармоғини ривожлантиришнинг истиқболлари.....	72
V	БОБ. ХУЛОСА	74
5.1.	Тадқиқот саволига тегишли натижаларнинг қисқача ифодаси	74
5.2.	Тадқиқотнинг асосий таклиф ва тавсиялари	75
5.3.	Тадқиқот чекловлари ва келгуси тадқиқотлар учун таклифлар ...	77
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	78

I БОБ. КИРИШ

Ҳозирги кунда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш қилиш, корхоналарни ташкил этиш қуйидаги йўналишларда тизимли ишларни амалга оширишни тақозо қилмоқда. Аввало давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини оптималлаштириш, тизимлаштириш ва бирхиллаштириш орқали тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларга жамлашни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш; устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг етарли даражада асослантормасдан ташкил этилишига, шунингдек, тегишли тармоқ ва соҳалардаги бошқа корхоналарга нисбатан эксклюзив имтиёз ва афзалликларга эга бўлишига йўл қўймаслик; давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор шароитларига тўлиқ ўтишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини тўлақонли татбиқ этиш; ижро этувчи орган фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари асосида, кузатув кенгаши фаолиятини эса корпоратив бошқарув тамойилларининг жорий этилиши даражасига қараб баҳолашга ўтиш; давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ошкор этиш, корхоналарни бошқаришда шаффофлик ва маълумотларнинг ошкор этилишини таъминлаш; илғор хорижий тажриба ва хорижий таълим муассасалари билан корпоратив бошқарув ҳамда капитал бозори соҳасида ҳамкорлик асосида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат статистика агентлиги томонидан чоп этилган статистик тўпламларни таҳлил этар эканмиз, тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес корхоналарининг улуши турли тармоқларда ҳар хил эканлигига дуч келамиз. Тўғри, бу ўринда барча тармоқларга бир хилда талаб қўйиб бўлмайди ва, шунга қўра, мазкур улушларни тўғридан-тўғри такқослаш ҳам маълум даражада мантиққа эга